ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХАМАДИЕВ ФАРХОД ҒОФУРЖОНОВИЧ

КОМПАКТ ЭЛЕМЕНТЛИ ТЎЛА ЗАНЖИРЛАНГАН СИСТЕМАЛАР ФАЗОЛАРИНИНГ КАРДИНАЛ ИНВАРИАНТЛАРИ

01.01.04 – Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2018

УДК: 517.98

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МУХАМАДИЕВ ФАРХОД ҒОФУРЖОНОВИЧ

КОМПАКТ ЭЛЕМЕНТЛИ ТЎЛА ЗАНЖИРЛАНГАН СИСТЕМАЛАР ФАЗОЛАРИНИНГ КАРДИНАЛ ИНВАРИАНТЛАРИ

01.01.04 – Геометрия ва топология

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/FM1 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-fizmat.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Бешимов Рўзиназар Бебутович** физика-математика фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Владимир Иванович Чилин** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Давлетов Давронбек Эгамберганович физика-математика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___»_________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2018 йил «____» ___________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А. Садуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор, академик

Ғ.И. Ботиров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

Ў.А.Розиқов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий–амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда тўла занжирланган системаларнинг кардинал инвариантлари назарияси масалаларига келтирилади. Компакт элементли тўла занжирланган системалар фазоларининг кардинал инвариантларини таққослаш функционал анализ, геометрия, топология каби соҳалардаги тадқиқотларнинг объектидир. Топологик фазоларнинг кардинал сонларини тенг бўлиш шартларини топишда компакт элементли тўла занжирланган системалар фазоларининг кардинал инвариантларини таққослаш берилган фазоларнинг кардинал сонларини топишда асос сифатида хизмат қилади. Шунинг учун тўла занжирланган системалар фазоларининг кардинал инвариантларини тадқиқ қилиш фаннинг умумий топология, кучсиз функционаллар фазоси, алгебраик топология, кардинал инвариантлар назарияси ва ковариант функторлар назарияси каби йўналишлари ҳамда занжирланган характерли турли фазоларнинг кардинал инвариантлари назариясининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда умумий топология, кучсиз функционаллар фазолари, кардинал инвариантлар ва ковариант функторлар назарияси масалаларини ечиш замонавий топологиянинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Компакт элементли тўла занжирланган системалар фазоларининг зичлиги, салмоғи, Суслин ва Шанин сонлари, характери каби кардиналларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада: берилган фазо ва унинг компакт элементли тўла занжирланган системалар фазосининг кардиналларини таққослаш; наслий кардинал хоссаларини тенг бўлиш шартларини топиш; жоиз давомлаштириш хоссасининг тўла занжирланган системалар фазосида сақланиш шартларини топиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган геометрия ва топологиянинг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, топологик фазоларнинг кардинал инвариантлари ва функторлар назарияси масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Кучсиз-аддитив функционаллар ва гиперфазоларининг топологик, геометрик ва кардинал хоссаларини сақланишига оид салмоқли натижаларга эришилди. “Функционал анализ, геометрия ва топология фанларининг устувор йўналишлари бўйича ҳалқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари” этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда компакт элементли тўла занжирланган фазоларнинг кардинал инвариантлари назарияси ва ковариант функторлар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. X топологик фазонинг занжирланган системалар фазолари дастлаб Де Гроот ишларида суперкенгайтма λX сифатида киритилган. Занжирланган характерли бошқа топологик объектлар, λX суперкенгайтманинг катта тўплам остилари фазоси $K\lambda X$ Ван Де Велл томонидан киритилган; X топологик фазонинг тўла занжирланган системалар фазоси NX А.В.Иванов томонидан киритилган. Занжирланган системалар фазолари назарияси кўплаб олимларнинг, жумладан, А.Вербек, Дж.Ван Милл, М.Ван де Вел, М.Белл, Дж.Гинзбург, С.Тодорчевич, Е. WorkspaceВателл, В.Давен, Э.Майкл, В.В.Федорчук, А.В.Иванов, М.М.Заричный, В.Н.Басманов, Е.В.Кашуба, А.П.Комбаров ва Т.Ж.Махмудларнинг ишларида ёритилган.

Ихтиёрий нормал фазо учун унинг суперкенгайтмасининг теснотаси ва характери устма-уст тушиши Ван Милл томонидан исботланган. А.Вербек ишларида эса натурал сонлар фазосининг суперкенгайтмаси наслий сепарабел бўлмаслиги исботланган. Александров икки стрелкасининг суперкенгайтмаси саноқлиликнинг биринчи аксиомасини қаноатлантирмаслигини Е.Ваtелл исботлаган. Агар X - нормал фазо бўлиб, унинг суперкенгайтмаси λX саноқлиликнинг биринчи аксиомасини қаноатлантирса, у ҳолда X - наслий сепарабел ҳамда мукаммал нормал бўлишини Ван Давен кўрсатган.

М.М.Заричный, Е.В.Кашуба, А.П.Комбаровлар ишларида занжирланган системалар фазоларининг геометрик хоссалари ўрганилган. Э.Майкл ва Т.Ж.Махмудларнинг ишларида занжирланган системалар фазоларининг кардинал хоссалари ўрганилган. Занжирланган системалар функторини ярим нормал функтор сифатида турли топологик ва геометрик хоссаларини ўрганиш бўйича С.Тодорчевич, Е.В.Кашуба ва бошқалар илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Ф4-ФА-Ф027 «Топологик фазолар категориясида ҳаракатланаётган баъзи ковариант функторларнинг топологик ва кардинал хоссаларини тадқиқ қилиш» (2012-2016 йиллар) мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тўла занжирланган системалар фазоларининг топологик ва кардинал инвариантларини ўрганиш ва берилган фазонинг кардиналлари билан устма-уст тушиш шартларини топишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

топологик фазо ва унинг гиперфазоси локал зичлик хоссасини тенглигини исботлаш;

узлуксиз акслантиришда ва чекли кўпайтмада локал зичлик хоссасининг сақланишини исботлаш;

компакт элементли тўла занжирланган системалар фазоларининг кардинал хоссаларини тадқиқ қилиш;

тўғри чизиқдаги Хаттори фазосининг кардинал сонларини баҳолаш;

компакт элементли тўла занжирланган системалар, гиперфазолар ва суперкенгайтма функторлари таъсирида топологик фазоларнинг жоиз давомлаштириш хоссасининг сақланишини исботлаш.

Тадқиқотнинг объекти компакт элементли тўла занжирланган системалар фазолари, гиперфазолар, тўғри чизиқда Хаттори фазосидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети компакт элементли тўла занжирланган системалар фазоларининг кардинал инвариантларини тадқиқ қилиш, гиперфазоларнинг локал зичлигини баҳолаш ва жоиз давомлаштириш хоссасининг сақланиш шартларини топиш, тўғри чизиқда Хаттори фазосининг кардинал сонларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида функционал анализ, кардинал инвариантлар, ковариант функторлар назарияси, умумий топология масалаларини ечиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ихтиёрий чексиз T_1-фазо учун $ld(X)=ld(exp_nX)=ld(exp_\omega X)= ld(exp_cX)$ тенглик исботланган;

X ва N_cX фазоларнинг зичлиги, π-салмоғи, кучсиз зичлиги, π-тўрли салмоғининг ўзаро тенг бўлиши исботланган;

тўғри чизиқдаги Хаттори фазосининг ҳамда унинг суперкенгайтмасининг спрэди, наслий π-салмоғи, наслий Шанин сони, наслий Суслин сони, наслий калибри, наслий олдкалибри, наслий экстенти тенг эмаслиги кўрсатилган;

$\lambda(\tau_2)$ топология $\lambda(\tau_1)$ топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши учун τ_2 топология τ_1 топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши зарур ва етарли эканлиги исботланган;

$N(\tau_2)$ топология $N(\tau_1)$ топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши учун τ_2 топология τ_1 топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши зарур ва етарли эканлиги исботланган;

тўғри чизиқдаги Хаттори фазосининг ихтиёрий қисм тўплами учун зичлик, кучсиз зичлик, Суслин сони, π-салмоғи, характери, π-характери, Шанин сони, олд Шанин сони, теснотаси, Линделёф сони, экстенти саноқли бўлиши исботланган;

$exp(\tau_2)$ топология $exp(\tau_1)$ топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши учун τ_2 топология τ_1 топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши зарур ва етарли эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари Тўла занжирланган системалар фазоларининг кардинал инвариантларини ўрганиш натижалари эҳтимоллар назарияси ва математик статистика масалаларини ечишда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Умумий топология, тўпламлар назарияси, функторлар назарияси ва кардинал инвариантлар назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти физика ва статистик механиканинг турли моделлари учун фаза алмашишлар мавжудлигини аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тўла занжирланган системалар фазоларининг кардинал инварианларини ўрганиш эҳтимоллик ўлчови фазосининг хоссаларини ўрганишга тадқиқ қилиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

T_1-фазоларда тўла занжирланган системалар фазоларининг кардинал инвариантларини таққослаш 15-01-05369 рақамли грант лойиҳасида ковариант функторларнинг кардинал инвариантларини таққослаш масалаларини ечишда фойдаланилган (Москва давлат университетининг (Россия) 2017 йил 1 ноябрдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши тихонов фазоларидаги ковариант функторларнинг кардинал инвариантлари масалаларини ечиш имконини берган;

тўла занжирланган системалар фазоларининг жоиз давомлаштириш хоссаси сақланишининг зарур ва етарлилик шартларини топиш «Равномерная топология и равномерно непрерывные отображения и их приложения в топологической алгебре и функциональном анализе» номли грант лойиҳасида текис топологик фазоларнинг кардинал инвариантларини таққослаш масалаларини ечишда фойдаланилган (Қирғизстон Миллий университетининг (Қирғизстон) 2017 йил 1 ноябрдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши текис топологик фазолар ва текис узлуксиз акслантиришларнинг топологик инвариантлари масалаларини ечиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 11 та Халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 80 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Топологик фазолар назариясида кардинал инвариантлар ва ковариант функторлар»** деб номланувчи биринчи боби топологик фазоларнинг ва уларнинг гиперфазоларининг баъзи кардинал хоссаларини ўрганишга бағишланган.

1.1 параграфда зарур таърифлар ва умумий топологиянинг баъзи маълум натижалари келтирилган. Топологик фазонинг тўри, π-тўри, базаси, π-базаси, зичлиги, τ-зичлиги, характери, π-характери, Суслин сони, калибр, олдкалибр, Шанин сони ва олд Шанин сони кабиларнинг таърифлари келтирилган.

X фазонинг ёпиқ қисм тўпламлари оиласи $\xi = \{F_\alpha : \alpha \in A\}$ занжирланган дейилади, агар ξ нинг ихтиёрий иккита элементи кесишса. Цорн леммасига кўра ихтиёрий занжирланган системани максимал занжирланган системагача (МЗС) тўлдириш мумкин. Аммо бундай тўлдириш аниқ бир қоидага асосланмаган.

X фазонинг ξ занжирланган системаси МЗС бўлади фақат ва фақат шу ҳолдаки, бу система қуйидаги тўлалик хоссасини қаноатлантирса:

агар $A \subset X$ ёпиқ тўплам ξ системанинг ихтиёрий элементи билан кесишса, у ҳолда $A \in \xi$ бўлади.

X фазонинг барча МЗС лари тўпламини λX орқали белгилаймиз.

$U \subset X$ очиқ тўплам учун қуйидагини қараймиз

$O(U) = \{\xi \in \lambda X :$ мавжуд бўлиб $F \in \xi,$ қуйидаги бажариладиган $F \subset U\}.$

$O(U)$ кўринишдаги тўпламлар оиласи λX $(O(X) = \lambda X)$ тўпламни тўлиқ қоплайди. Шунинг учун ҳам бу оила λX да очиқ олд базани ифодалайди. λX тўплам ушбу топология билан биргаликда X фазонинг суперкенгайтмаси дейилади.

X фазонинг тўла занжирланган системалар фазоси NX А.В.Иванов томонидан қуйидагича таърифланган:

Таъриф 1. X компактнинг ёпиқ қисм тўпламлари занжирланган системаси $\mathcal{M}$ тўла занжирланган система дейилади, агар X компактнинг ихтиёрий ёпиқ қисм тўплами F учун қуйидаги шарт бажарилса:

* «F тўпламнинг ихтиёрий OF атрофи бирорта $\Phi \in \mathcal{M}$ тўпламни ўз ичига олса»*

бундан $F \in \mathcal{M}$ эканлиги келиб чиқади.

X компактнинг барча тўла занжирланган системалар тўплами NX га X компактнинг тўла занжирланган системалар фазоси дейилади.

Бу фазода очиқ база қуйидагича аниқланади:

$E = O(U_1, U_2, \ldots, U_n)\langle V_1, V_2, \ldots, V_s\rangle = \{\mathcal{M} \in NX:$ ихтиёрий $i = 1, 2, \ldots, n$ учун $F_i \in \mathcal{M}$ мавжуд бўлиб, қуйидаги бажариладиган $F_i \subset U_i$ ихтиёрий $j = 1, 2, \ldots, s$ ва ихтиёрий $F \in \mathcal{M}$ учун қуйидагига эга бўламиз $F \cap V_j \neq \varnothing\}$, бу ерда $U_1, U_2, \ldots, U_n, V_1, V_2, \ldots, V_s -$ лар X да очиқ ва бўш бўлмаган тўпламлар.

Т.Ж.Махмуд ишида қуйидаги тасдиқ келтирилган:

Тасдиқ 1. Айтайлик $\mu = \{\Phi_1, \Phi_2, \ldots, \Phi_n\}$ – система X фазонинг ёпиқ тўпламлари чекли занжирланган системаси бўлсин. У ҳолда $\mathcal{M} = \{F \in \exp X : \exists \Phi_i \in \mu : \Phi_i \subset F\}$ система X фазонинг тўла занжирланган системаси бўлади.

В.Чатирко ва Е.Хатториларнинг ишида топологик фазонинг жоиз давомлаштириш хоссаси аниқланган. Ушбу таърифни келтирамиз.

Таъриф 2. Айтайлик τ_1 ва τ_2 - лар X тўпламдаги иккита топология бўлсин. τ_2 топология X фазода τ_1 топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш дейилади агар қуйидаги шартлар бажарилса:

1. $\tau_1 \subseteq \tau_2$;

2. τ_1 топология τ_2 топология учун π-база бўлса, яъни ҳар бир бўш бўлмаган $O \in \tau_2$ элемент учун шундай $V \in \tau_1$ элемент топилиб $V \subset O$ шарт бажарилса.

1.2 параграф Е.В.Щепин маъносидаги нормал функтор ва категория тушунчасини ўрганишга бағишланган. Бундан ташқари гиперфазо таърифи келтирилган.

Айтайлик $\xi = \{\theta, \mathcal{A}\}$ - икки турдаги элементлар тўплами бўлсин. θ дан олинган элементлар объектлар дейилади, $\mathcal{A}$ дан олинган элементлар эса морфизмлар дейилади. Ҳар бир f морфизм учун ягона тартибланган X, Y объектлар жуфтлиги аниқланган. Бу ҳолда X баъзан $domf$ каби Y эса $: rngf$ каби белгиланади. X ва Y ларнинг барча морфизмлари оиласи $[X, Y]$ каби белгиланади.

$\xi = \{\theta, \mathcal{A}\}$ оила категория дейилади, агар қуйидаги шартларни қаноатлантирса:

а) ҳар бир $rng\, f = dom\, g$ шарт билан бирга f ва g морфизмлар жуфтлиги учун $dom\, h = dom\, f$ ва $rng\, h = rng\, g$ шартларни қаноатлантирувчи f ва g морфизмларнинг композицияси деб аталадиган, ҳамда $g \circ f$ каби белгиланадиган h морфизм аниқланса;

в) ҳар бир $rng\, f = dom\, g$ ва $rng\, g = dom\, h$ шартларни қаноатлантирувчи морфизмлар учлиги учун $(h \circ g) \circ f = h \circ (g \circ f)$ тенглик ўринли бўлса.

Айтайлик $\xi = (\theta, \mathrm{M})$ ва $\xi' = (\theta', \mathrm{M}')$ иккита категория бўлсин. $F : \xi \to \xi'$ объектларни объектларга, морфизиларни морфизмларга ўтказувчи акслантириш ξ категориядан ξ' категорияга ковариант функтор дейилади, агар:

1) ξ категориядан олинган ҳар бир $f : X \to Y$ морфизм учун $F(X)$ дан $F(Y)$ га $F(f)$ морфизм ҳосил қилса.

2) Ҳар бир $X \in \theta$ учун $F(id_X) = id_{F(X)}$ тенглик ўринли бўлса.

3) $F(f \circ g) = F(f) \circ F(g)$.

Шуни таъкидлаш керакки ушбу ишда функтор деганда ковариант функторни тушунамиз.

$F : Comp \to Comp$ ковариант функтор нормал дейилади, агар у узлуксиз, салмоғни, кесишмани ва аслини сақлайдиган, мономорф ва эпиморф ва бир нуқтали тўпламни бир нуқтали тўпламга, бўш тўпламни бўш тўпламга ўтказувчи бўлса.

Т.Ж.Махмуд қуйидаги теоремани исботлаган:

Теорема 1. Ихтиёрий X Хаусдорф фазоси учун, $\exp X$ гиперфазонинг $\exp_3^0 X = \{F \in \exp X : |F| = 3\}$ қисмфазоси λX суперкенгайтманинг $\lambda_3^0 X = \{\xi \in \lambda X : |\mathrm{supp}\, \xi| = 3\}$ қисмфазосига гомеоморф бўлади, бу ерда $\mathrm{supp}\, \xi$ билан ξ МЗС ташувчиси, белгиланган.

1.3 параграфда топологик фазонинг зичлиги ва локал зичлиги тушунчалари ва гиперфазолар ўрганилган.

Топологик фазонинг локал зичлиги қуйидагича аниқланади.

Таъриф 3. X топологик фазо $x \in X$ нуқтада локал τ -зич дейилади, агар τ энг кичик кардинал сон, қайсики x нуқта X фазода зичлиги τ бўлган атрофга эга бўлса.

x нуқтадаги локал зичликни $ld(x)$ орқали белгилаймиз.

X топологик фазо локал τ - зич дейилади, агар у ҳар бир $x \in X$ нуқтада локал τ - зич бўлса.

X фазонинг локал зичлиги $ld(X) = \sup\{ ld(x) : x \in X \}$ орқали белгиланади.

Қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 2. Айтайлик X - чексиз T_1 - фазо бўлсин. У ҳолда

$$ld(X) = ld(\exp_n X) = ld(\exp_\omega X) = ld(\exp_c X).$$

Ушбу теоремадан қуйидаги муҳим натижани олишимиз мумкин.

Натижа 1. Айтайлик X - чексиз компакт T_1 - фазо бўлсин. У ҳолда

$$ld(X) = ld(\exp_n X) = ld(\exp_\omega X) = ld(\exp_c X) = ld(\exp X)$$

Диссертациянинг **“Компакт элементли тўла занжирланган системалар фазоларининг кардинал инвариантлари”** деб номланувчи иккинчи боби компакт элементли тўла занжирланган системалар фазоларининг кардинал инвариантларини ўрганишга бағишланган бўлиб, компакт тўла занжирланган системалар фазолари тушунчаси киритилган.

2.1 параграфда зарур таърифлар ва тушунчалар келтирилган. Бундан ташқари компакт элементли тўла занжирланган системалар фазоларининг зичлиги, тўрли салмоғи, π – салмоғи, Суслин сони, кучсиз зичлиги кабилар берилган.

Айтайлик M – X топологик фазонинг тўла занжирланган системаси бўлсин. Тўла занжирланган система M компакт тўла занжирланган система дейилади, агар M система ҳеч бўлмаганда битта компакт элементни ўз ичига олса.

M компакт тўла занжирланган системани қисқача КТЗС каби белгилаймиз.

NX фазонинг қисм фазоси бўлган $N_c X = \{M \in NX :\ M$ - КТЗС $\}$ фазони X топологик фазонинг компакт ядроси дейилади.

Айтайлик M – X топологик фазонинг тўла занжирланган системаси бўлсин. Тўла занжирланган система M метрикаланувчи компакт тўла занжирланган система дейилади, агар M система ҳеч бўлмаганда битта метрикаланувчи компакт элементни ўз ичига олса.

M метрикаланувчи компакт тўла занжирланган системани қисқача МКТЗС каби белгилаймиз.

NX фазонинг қисм фазоси бўлган $N_{cm} X = \{M \in NX :\ M$ - МКТЗС $\}$ фазони X топологик фазонинг метрикаланувчи компакт ядроси дейилади.

Маълумки, ихтиёрий X топологик фазо учун $N^* X \subseteq N_{cm} X \subseteq N_c X \subseteq NX$ муносабат ўринли.

Равшанки, агар X – дискрет фазо бўлса, у ҳолда $N^* X = N_c X$ ва агар, X – компакт бўлса, у ҳолда $N_c X = NX$ бўлади.

Қуйидаги теорема ўринли.

Теорема 3. Айтайлик X – чексиз топологик T_1 – фазо бўлсин, у ҳолда

1) $\pi w(N^* X) = \pi w(N_{cm} X) = \pi w(N_c X) = \pi w(X)$;

2) $d(N^* X) = d(N_{cm} X) = d(X)$;

3) $n\pi w(N^* X) = n\pi w(N_{cm} X) = n\pi w(X)$;

4) Агар X – чексиз тихонов фазоси бўлса, у ҳолда

$c(N^* X) = c(N_{cm} X) = c(N_c X) = c(NX) = \sup\{c(X^n):\ n \in N\}$;

5) Агар X – чексиз тихонов фазоси бўлса, у ҳолда

$wd(N^* X) = wd(N_{cm} X) = wd(N_c X) = wd(NX) \le wd(X)$.

2.2 параграфда тўғри чизиқда Хаттори фазоси тушунчаси киритилган. Тўғри чизиқда Хаттори фазоси ва унинг суперкенгайтмаси учун спрэд, наслий π-салмоғи, наслий Шанин сони, наслий Суслин сони, наслий калибри, наслий олдкалибри, наслий экстенти каби кардинал сонлари тенг эмаслиги исботланган. Хаттори фазоси синфи П.С.Александров бир стрелкасини ва Зоргенфрей тўғри чизиғини ўз ичига олади.

Қуйидаги теорема 2.2 параграфнинг асосий натижаси бўлади.

Теорема 4. Айтайлик $A \subset R$ ва $\mathrm{int}(R \setminus A) \neq \varnothing$. У ҳолда $(R, \tau(A))$ Хаттори фазоси ва λR суперкенгайтма учун қуйидагилар ўринли:

1. $s\left(R,\tau(A)\right) < s\left(\lambda\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
2. $hd\left(R,\tau(A)\right) < hd\left(\lambda\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
3. $h\pi w\left(R,\tau(A)\right) < h\pi w\left(\lambda\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
4. $hsh\left(R,\tau(A)\right) < hsh\left(\lambda\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
5. $hc\left(R,\tau(A)\right) < hc\left(\lambda\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
6. $hk\left(R,\tau(A)\right) < hk\left(\lambda\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
7. $hpk\left(R,\tau(A)\right) < hpk\left(\lambda\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
8. $hpsh\left(R,\tau(A)\right) < hpsh\left(\lambda\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
9. $hwd\left(R,\tau(A)\right) < hwd\left(\lambda\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
10. $hl\left(R,\tau(A)\right) < hl\left(\lambda\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
11. $he\left(R,\tau(A)\right) < he\left(\lambda\left(R,\tau(A)\right)\right)$.

Ушбу теоремадан қуйидаги муҳим натижани олишимиз мумкин.

Натижа 2. Айтайлик $A \subset R$ ва $\mathrm{int}(R \setminus A) \neq \varnothing$. У ҳолда $(R, \tau(A))$ Хаттори фазоси ва NR тўла занжирланган системалар фазоси учун қуйидагилар ўринли:

1. $s\left(R,\tau(A)\right) < s\left(N\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
2. $hd\left(R,\tau(A)\right) < hd\left(N\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
3. $h\pi w\left(R,\tau(A)\right) < h\pi w\left(N\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
4. $hsh\left(R,\tau(A)\right) < hsh\left(N\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
5. $hc\left(R,\tau(A)\right) < hc\left(N\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
6. $hk\left(R,\tau(A)\right) < hk\left(N\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
7. $hpk\left(R,\tau(A)\right) < hpk\left(N\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
8. $hpsh\left(R,\tau(A)\right) < hpsh\left(N\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
9. $hwd\left(R,\tau(A)\right) < hwd\left(N\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
10. $hl\left(R,\tau(A)\right) < hl\left(N\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
11. $he\left(R,\tau(A)\right) < he\left(N\left(R,\tau(A)\right)\right)$.

2.3 параграф топологик фазоларни жоиз давомлаштириш хоссасини ўрганишга бағишланган. Ҳамда қуйидаги тасдиқлар исботланган: $\lambda(\tau_2)$ топология $\lambda(\tau_1)$ топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши учун τ_2 топология τ_1 топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши зарур ва етарлидир; $N(\tau_2)$ топология $N(\tau_1)$ топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши учун τ_2 топология τ_1 топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши зарур ва етарлидир.

Диссертациянинг **“Тўғри чизиқда Хаттори фазоси ва унинг гиперфазосининг кардинал ва баъзи топологик хоссалари”** деб номланувчи учинчи бобида тўғри чизиқда Хаттори фазоси ва унинг гиперфазосининг кардинал ва баъзи топологик хоссалари ўрганилган.

3.1 параграфда тўғри чизиқда Хаттори фазосининг кардинал ва наслий хоссалари ўрганилган. Тўғри чизиқда Хаттори фазосининг ихтиёрий қисм тўпламиучун зичлик, кучсиз зичлик, Суслин сони, $\pi-$ салмоғ, характер, $\pi-$ характер, Шанин сони, олдшанин сони, теснота, Линделёф сони, экстент каби кардинал сонлари саноқли эканлиги исботланган.

Қуйидаги теоремалар 3.1 параграфнинг асосий натижалари бўлади.

Теорема 5. Хаттори топологияси билан тўғри чизиқнинг ихтиёрий $A \subseteq R$ қисм фазоси учун қуйидагилар ўринли:

1. $d\left(R,\tau(A)\right)=\aleph_0$;
2. $wd\left(R,\tau(A)\right)=\aleph_0$;
3. $c\left(R,\tau(A)\right)=\aleph_0$;
4. $\pi w\left(R,\tau(A)\right)=\aleph_0$;
5. $\chi\left(R,\tau(A)\right)=\aleph_0$;
6. $\pi\chi\left(R,\tau(A)\right)=\aleph_0$;
7. $sh\left(R,\tau(A)\right)=\aleph_0$;
8. $psh\left(R,\tau(A)\right)=\aleph_0$;
9. $t\left(R,\tau(A)\right)=\aleph_0$;
10. $l\left(R,\tau(A)\right)=\aleph_0$;
11. $e\left(R,\tau(A)\right)=\aleph_0$;
12. $k\left(R,\tau(A)\right)=c$;
13. $pk\left(R,\tau(A)\right)=c$;
14. $s\left(R,\tau(A)\right)=\aleph_0$.

Теорема 6. Айтайлик $A \subset R$ ва $\operatorname{int}(R\setminus A)\neq\varnothing$. У ҳолда $(R,\tau(A))$ Хаттори фазоси ва $\exp R$ гиперфазо учун қуйидагилар ўринли:

1. $s\left(R,\tau(A)\right)<s\left(\exp\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
2. $hd\left(R,\tau(A)\right)<hd\left(\exp\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
3. $h\pi w\left(R,\tau(A)\right)<h\pi w\left(\exp\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
4. $hsh\left(R,\tau(A)\right)<hsh\left(\exp\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
5. $hc\left(R,\tau(A)\right)<hc\left(\exp\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
6. $hk\left(R,\tau(A)\right)<hk\left(\exp\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
7. $hpk\left(R,\tau(A)\right)<hpk\left(\exp\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
8. $hpsh\left(R,\tau(A)\right)<hpsh\left(\exp\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
9. $hwd\left(R,\tau(A)\right)<hwd\left(\exp\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
10. $hl\left(R,\tau(A)\right)<hl\left(\exp\left(R,\tau(A)\right)\right)$;
11. $he\left(R,\tau(A)\right)<he\left(\exp\left(R,\tau(A)\right)\right)$.

Қуйидаги теорема 3.2 параграфнинг асосий натижаси бўлади.

Теорема 7. $\exp \tau_2$ топология $\exp \tau_1$ топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши учун τ_2 топология τ_1 топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши зарур ва етарлидир.

3.3 параграфда қуйидаги теоремалар исботланган.

Теорема 8. Ихтиёрий $A \subseteq \square$ қисм тўплам учун қуйидагилар тенгликлар ўринли

(i) $s(\square, \tau(A)) = h\varphi(\square, \tau(A)) = \aleph_0$, бу ерда $\varphi = d, e, wd, \pi w, \pi\chi$;

(ii) $h\varphi(\square, \tau(A)) = \aleph_0$, бу ерда $\varphi = c, l$,

(iii) $h\varphi(\square, \tau(A)) = \aleph_0$, бу ерда $\varphi = \chi, t$.

Теорема 9. Айтайлик Y - X топологик хаусдорф фазосининг қисм тўплами ва $Z = \{F \in \exp_2 X : F \subset Y\} \subset \exp_2 X$ бўлсин. У ҳолда

i) $\exp_2 Y$ фазо $\exp_2 X$ фазонинг Z қисм фазосига гомеоморфдир,

ii) Z қисм тўплам $\exp_2 X$ да очиқ бўлади фақат ва фақат шу ҳолдаки, Y қисм тўплам X да очиқ бўлса,

iii) Z қисм тўплам $\exp_2 X$ да ёпиқ бўлади фақат ва фақат шу ҳолдаки, Y қисм тўплам X да ёпиқ бўлса,

iv) Z қисм тўплам $\exp_2 X$ да очиқ-ёпиқ бўлади фақат ва фақат шу ҳолдаки, Y қисм тўплам X да очиқ-ёпиқ бўлса.

ХУЛОСА

Диссертация иши кардинал инвариантлар назариясини ривожлантириш, ҳамда компакт элементли тўла занжирланган системалар фазоларининг кардинал инвариантларини тадқиқ қилишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат.

1. Ихтиёрий чексиз T_1-фазо учун чекли элементли ва компакт элементли гиперфазоларнинг локал зичликлари берилган фазонинг локал зичлигига тенг эканлиги кўрсатилган.

2. X ва N_cX фазоларнинг зичлиги, π-салмоғи, кучсиз зичлиги, π-тўрли салмоғининг ўзаро тенг бўлиши исботланган.

3. Тўғри чизиқдаги Хаттори фазосининг ҳамда унинг суперкенгайтмасининг спрэди, наслий π-салмоғи, наслий Шанин сони, наслий Суслин сони, наслий калибри, наслий олдкалибри, наслий экстенти тенг эмаслиги кўрсатилган.

4. $\lambda(\tau_2)$ топология $\lambda(\tau_1)$ топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши учун τ_2 топология τ_1 топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши зарур ва етарли эканлиги исботланган.

5. $N(\tau_2)$ топология $N(\tau_1)$ топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши учун τ_2 топология τ_1 топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши зарур ва етарли эканлиги исботланган.

6. Тўғри чизиқдаги Хаттори фазосининг ихтиёрий қисм тўплами учун зичлик, кучсиз зичлик, Суслин сони, π-салмоғи, характери, π-характери, Шанин сони, олд Шанин сони, теснотаси, Линделёф сони, экстенти саноқли бўлиши кўрсатилган.

7. $exp(\tau_2)$ топология $exp(\tau_1)$ топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши учун τ_2 топология τ_1 топологияга нисбатан жоиз давомлаштириш бўлиши зарур ва етарли эканлиги исботланган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА, ИНСТИТУТЕ МАТЕМАТИКИ

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

МУХАМАДИЕВ ФАРХОД ГАФУРЖАНОВИЧ

КАРДИНАЛЬНЫЕ ИНВАРИАНТЫ ПРОСТРАНСТВА ПОЛНЫХ СЦЕПЛЕННЫХ СИСТЕМ С КОМПАКТНЫМИ ЭЛЕМЕНТАМИ

01.01.04 – Геометрия и топология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ-2018

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/FM1

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-fizmat@nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Бешимов Рузиназар Бебутович** доктор физико-математических наук, доцент
Официальные оппоненты:	**Владимир Иванович Чилин** доктор физико-математических наук, профессор
	Давлетов Давронбек Эгамберганович кандидат физико-математических наук
Ведущая организация:	**Каракалпакский государственный университет имени Бердаха**

Защита диссертации состоится «____» _____________2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана, института Математики. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «____» _______________2018 года.
(протокол рассылки №________ от «____» _______________2018 года).

А.Садуллаев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор, академик

Г.И. Ботиров
Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.ф.-м.н.

У.А.Розиков
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Многие научные и практические исследования на мировом уровне, во многих случаях, сводятся к изучению задач теории кардинальной инвариантной полных сцепленных систем. Сравнение кардинальных инвариантов пространства полных сцепленных систем с компактными элементами является объектом исследований в таких областях, как функциональный анализ, геометрия, топология. Сравнение кардинальных чисел пространства полных сцепленных систем с кардинальными инвариантами при нахождении условий для уравнивания кардинальных чисел топологических пространств служит основой для нахождения кардинальных чисел заданного пространства. Поэтому изучение кардинальных инвариантов пространства полных сцепленных систем является одной из важнейших задач теории кардинальных инвариантов различных пространств, таких как общая топология, пространства слабых функционалов, алгебраическая топология, теория кардинальных инвариантов и теория ковариантных функторов.

В настоящее время, в мире, одной из актуальных проблем современной топологии является решение проблем общей топологии, пространства слабых функционалов, теории кардинальных инвариантов и ковариантных функторов. Важно исследовать кардиналы, такие как плотность, вес, числа Суслина и Шанина, характер пространства полных сцепленных систем с компактными элементами. В связи с этим: сравнение кардиналов пространства полных сцепленных систем с компактными элементами; нахождение условий для равных кардинальных свойств; является научным исследованием, направленным на нахождение условий для сохранения допустимого продолжения в пространства полных сцепленных систем.

В нашей стране было уделено особое внимание актуальным аспектам геометрии и топологии, которые имеют научное и практическое применение в фундаментальных науках. Особое внимание было уделено изучению теории кардинальных инвариантов и теории функторов в топологических пространствах. Значительные результаты были достигнуты в отношении сохранения топологических, геометрических и кардинальных свойств слабоаддитивных функционалов и гиперпространств. Проведение научных исследований на международном уровне по важным направлениям специальности «Функциональный анализ, геометрия и топология» рассматривается как основная задача фундаментальных исследований.[1] Развитие теории пространства полных сцепленных систем с компактными элементами и теории ковариантных функторов играют важную роль при исполнении этого постановления.

[1] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан»

Исследования данной диссертации в определенной степени служат решению задач, указанных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-916 от 15 июля 2008 года «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов и технологий производства» и № УП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы. Впервые такие объекты появились в работах Де Гроота, который ввел понятие так называемого суперрасширения λX топологического пространства X. Позже возникли другие топологические объекты сцепленного характера такие, как пространство $K\lambda X$ крупных подмножеств суперрасширения λX, введенное Ван Де Велом, пространство NX полных сцепленных систем топологического пространства X, введенное А.В.Ивановым. Теория пространств сцепленных систем изложена в работах А.Вербека, Дж.Ван Милля, М.Ван де Веля, М.Белля, Дж.Гинзбурга, С. Тодорчевича, Е.Вателя, В.Давена, Э.Майкла, В.В.Федорчука, А.В.Иванова, М.М.Заричного, В.Н.Басманова, Е.В.Кашубой, А.П.Комбарова и Т.Ж.Махмуда.

